

НАФОСАТ ОЛАМИ

Бундан етмиш йилдан сал муқаддам (1928) сайёраимизнинг бир-бирига даярли қарама-қарши гўшаларида икки буюк инсон дунёга келдиларки, кейинчалик жаҳон адабий жараёни кўп жиҳатдан ана шу икки адиб ижоди билан белгиланадиган бўлди. Иккаласи ҳам дунёга танилган машхур ёзувчиларгина эмас, балки обрўли жамоат арбоблари бўлиб танилдилар. Уларнинг фикр-мулоҳазаларига сиёсатдонлар ҳам, бутун-бутун халқлар ҳам кулоқ осишади. Булар буюк шахслар - Габриэль Гарсиа Маркес ва Чингиз Айтматовлардир.

Чингиз Айтматов билан Габриэль Маркес тақдирлари, кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшайди: иккаласи ҳам у қадар йирик бўлмаган миллий адабиётлар - колумб ва қирғиз адабиётлари намоёндаларидир. Уларнинг халқлари ҳам катта халқлардан эмас. Бу халқлар сайёра ижтимоий тараққиёти жараёнини белгилайди, деб бўлмайди. Лекин мислсиз ижодий истеъдодларнинг пайдо бўлишига ушбу хусусиятлар сабаб бўлган эмас. Асло! Бу ўринда яна шунини эслаш ўринлики, XIX асрда рус умумтоқ адабиёти - Л.Толстой, Ф.Достоевский, А.Чехов номлари билан боғлиқ рус адабиётининг олтин асри иқтисодий жиҳатдан Европадан ҳам, шахд билан ривожланаётган Шимолий Америкадан ҳам орқада бўлган Россияда вужудга келган эди. Кенг маънода Габриэль Маркес номи билан боғлиқ «янги» Лотин Америкаси рўмони ҳодисаси ила рўмонсоз Чингиз Айтматов ҳодисасининг илдизи қаерда?

Собик чекка ўлкалар маданият марказига айланди, демакки, тарих қатламлари ҳаракатга келди - умумий маънавий ҳаёт ҳаракати манзарасидаги ҳар бир

ҳодисанинг ўрнини билиб олмакчи бўлган ҳар қандай мутахассис ана шунини назардан қочирмаслиги керак. Шундай қилиб, жаҳон адабиёти тарихи учун бундай қараганда оддий, шу билан бирга қутилмаган, мисли кўрилмаган воқеа содир бўлди: умуминсоний маънавий тажриба ва бойлик ортди, кўпайди. Демак, усталарнинг ижоди умумбашарий, оламшумул аҳамият касб этиб, адабий ҳаёт торининг энг нозик пардаларига бориб урилади.

интилишларини ҳам Айтматовнинг ана шу сўзлари орқали тасаввур қилиш мумкин.

Бугунги кунда тинчликнинг тақдирини сиёсатдонларгина ҳал қилишмайди; эндиликда тинчлик халқлар кўлида ва келажак олдида энг масъулиятли юкни ўз елкаларига олган халқ ёзувчилари кўлидадир. Ҳамма замонларда чинакам санъаткорлар умуминсоний муаммолар устида бош қотирган.

Бадий дунёдан ташқарига

АЙТМАТОВ ВА МАРКЕС

Ҳар иккала адиб ҳам ҳаётнинг барча кўринишларини тасвирлаш орқали бир бутун воқийлик манзарасини яратди.

Рус тилида ижод қилувчи Ч.Айтматов ижоди моҳиятини колумб ёзувчисининг сўзлари билан изоҳлаш мумкин. Гарсиа Маркес ўз ижодий йўлининг янги йўналиши ҳақида гапираркан, бундай деган эди: «... Мен ёзувчи эканман, ўз мамлакатимнинг ижтимоий ва сиёсий воқийлиги қандайдигана эмас, балки ҳар қандай кўринишлардаги бутун муайян ҳаёт олдида ҳам бурчлиман».

Айтматов ҳозирги вақтда инсониятнинг «маҳдудий», «гуруҳий» онгидан Ергаги ҳаётнинг бир бутунлигини сайёравий миқёсда идрок этишга, халқларнинг омонлигига тобора кўпроқ таҳдид солаётган ядро уруши хаффи остида башарий мушоҳада қилишга ўтишни асосий вазифа, деб билади. Гарсиа Маркеснинг санъаткор сифатидаги

чиқиб тарих, маданиятнинг ичи-чиға кирмасдан туриб, Чингиз Айтматовнинг ижодини ҳам, Гарсиа Маркес тимсолидаги янги Лотин Америкаси рўмонини ҳам тушуниб-да, тушунтириб-да бўлмайди. Фарбда ва Шарқда пайдо бўлиб турган барча янгиликлар бу ёзувчиларнинг ижодий қозонида қайнатилди, қайтадан ишга солинди. Бу усталарнинг ўз миллий меросларини - қирғиз ёзувчисининг ижодига озиқ берган қирғиз халқининг буюк халқ оғзаки меросини ҳам, Лотин Америкасидаги ҳинду, занжи, испаннинг муштарак насроний анъанасидан таркиб топган халқ асотирларининг чинакам мўъжизасини ҳам унутмаслик зарур.

Г.Маркес, менинг ҳамма ёзганларим Лотин Америкаси воқеълигидан олинган, чунки бу ерда ҳамма нарсани кутса бўлади ва ҳамма-хаммаси бўлиб туради, деб барчани лол қол-

дирган эди: «Ёлғизликнинг юз йили»да мен реалистман, чунки Лотин Америкасида ҳамма нарса бўлиши мумкин, ҳаммаси рўйростдир, мен бунга ишонаман ва муайянликнинг бу шакли жаҳон адабиётига қандайдир янгилик олиб кириши ҳам эҳтимолдан холи эмас»...

Қирғиз адиби ижодининг барча илдизлари эса қирғиз халқининг эпик мероси, халқ афсоналари, ривоятлари, нақлларидан озиқланган.

Умуман олганда, бу икки ул-

аниқ воқеабандлик фалсафий ғояга эга бўлади. Бошқача айтганда, халқ онг-идроки билан қўшилиб кетган алоҳида ижод маҳсули бўлмиш бадий воқеълик ҳақида сўз боради, бу - ижод воқеъликка асосий, таҳайюлий қувватлар бахш этиб, уни таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборади.

Гарсиа Маркеснинг «Ёлғизликнинг юз йили» рўмони юксак санъатга ҳамма жойда эҳтиёж борлигини кўрсатди, оила мавзусини Инсон ва Тарих, Инсон ва Турмуш мавзуси даражасигача кўтарди.

Чингиз Айтматов билан Гарсиа Маркесни яқинлаштирган яна бир нарса «Мағлубиятдаги галаба» кўтаринкилигидир. Буни «Полковникка ҳеч ким хат ёзмайди» қиссаси саҳифаларида ҳам кўриш мумкин. Гарсиа Маркеснинг ўзи бундай деган эди: «Полковник ўзининг мағлуб бўлишини олдиндан билар эди, лекин у қисматий мағлубиятнинг тапурдим, дея галаба қилди», «Қиёмат»даги Авдий ҳам шу йўсинда галабага эришди.

Турлича маданиятлар, миллатлар, тилларнинг намоёндалари бўлган буюк санъаткорлар ижодининг умумий жиҳатларига назар ташларканмиш, ўз билим доирамизни кенгайтирган, жаҳон маданияти қандай қилиб бойиб борганини пайқаб олган, «маданий тилсим» нинг замонлар ва қитъалар оша одим ташлашига тушуниб етган бўлаемиз. Қадимий асотирлардан Фёдор Достоевскийнинг «хаёлий реализм»ига, сўнгра Уильям Фолкнерга, Томас Маннга, Михаил Булгаковга, улар орқали эса Гарсиа Маркесга ва Чингиз Айтматовга етиб келган бир бутун силсила битмас-туганмасдир; шу силсила тармоқларидан биронтасини аниқлай билишнинг ўзи қиёфа, унинг ўтмишдаги ва келажакдаги тармоқларини билиб олиш қийин эмас.

Ёзувчиларнинг асарларида ҳаётий, таҳайюлий ва рамзий унсурларнинг қоришиб кетиши турмушнинг одатий жиҳатларини ҳам янгича ёритишга, қундалик ҳаёт ташвишларини-да қандайдир юксакликдан тасвирлаб, икки-чикирларигача рамзий умумлаштиришга имкон беради. Ёзувчиларнинг рўмонларида

Профессор Суюн ҚОРАЕВ